Nº 17 (6579)24 май, 1994 йил СЕШАНБА Сотувда эркин нархда.

# Uzbekuemon borarapu Ba yeruprapunun razemacu

Сентябр ойида у болаларни синфхоналарга, ўкишга, билим олишга чорлаган булса, бугун у ўкув йили тугаганидан дарак бермокда, болаларни дам олиш бог-рогларга масканларига, ундамокда, имтихонлар, синовлар даври бошланаётганини бил-Бу йил дирмокда. ИЛМ даргохларига қадам қуйган кичкинтойларга таътил хавосини олиб келиб севинтирган булса, мустақил ҳаётга қадам қуяётган мактаб битирувчиларига ўзгача хаяжон бахш этмокда.

Қунгироқ овози... У укув йили завомида хар куни жаранглаб турди. Укувчиларни мактаб лабораторияларига, фан кабинетларига, тажриба майдончаларига етаклади. Унинг овози остида болалар китоб мутолаа қилишга, халқимизнинг тарихини билишга, адабий меросини **У**лмас ўрганишта киришдилар. Келажакда етук билим эгалари, илми кучли мутахассислар булиб етишиш фаннинг бошлангич сабокларини олдилар.

Укув йили тугаганидан дарак бераётган қунғироқ овози остида хар ким ўзича фикрлайди: кимдир йил компьютер билан ўрганиб олганини ишлашни ўйласа, яна кимдир спорт сохасида эришган ютукларини Бирон хотирлайди. фанни ўзлаштира кунгилдагидек олмаганидан афсусланаётганлар хам бор булса керак.

Укитувчилар эса мамнун.

шахар иктидорли Чорток мактабболалар Maxcyc — лицейнинг фиинтернати зика, математика, информа-10-"B" ихтисослашган тикага толиби, Республика синфи ўкувчиларининг XXX олимпиадаси ғолиби, Узбекистон Ешлар Иттифокининг XXVI курултойи делегати Хусанбой Мансуров билан сухбат.

— Бугун истеъдодли, ўкишга, билим олишга интилган болаларга алохида эътибор берилмокда. Вилоят, республика микесидаги фан олимпиадалари, иктидорли курикўкувчиларнинг турли мусобақалари каби синовлар орамиздан лаёқати кучли булганларни саралаб бормокда.

Мен ҳам яқинда физика фани буйича утказилган Республика олимпиадасида иштирок этдим.

Кейинги икки-уч. давомида таълимига халк берилаётган эътибор алохида болалардаги ўкишга, хунар, би-

是第SCCP LIABILAT WITTOO II WISTERE йиллар булмайди.

Кунгирок яна жиринглайди... Бу сафар уни янги укув иилида мактабга илк бор қадам куядиган

Уқув йили якунланди

тинмайди. У хали миллион-миллион ёшларни олишга ИЛМ чорлайди.



Суратда: Тошкент шахридаги 90-мактабнинг 1-синф ўкитув-

Сахиева ўз Дилором ўкувчилари билан таътилга чикиш арафасида.

Р.АЛЬБЕКОВ суратга туширган.

# Диққат! Диққат!

Кадрли болахар! Эртадан бошлаб мактаб ўқувчилари ёзги тачтилга чиқадилар. Кимдир дам олишга, кимдир имтихон ва синовлардан ўтишга киришиб кетишади. Шупинг учун биз май ойининг бошида эълон қилганимиз — "Тонг юлдузи" нинг "Еш мухбирлар сиртки мактаби" очилиши хакида яна бир бор эслатиб ўтишни лозим топдик.

Агар эсингизда бўлса, "Еш мухбирлар сиртки мактаби"га аъзо булишни истаганлар учун бир нечта шартларимиз бор. Мактабимизга аъзо бўлишни истаганлар 1 июлга қадар бизга қуйидаги уч мавзуда жақола ва хат-хабарлар юборишлари керак: 1) ўзи аъзо бўлган болалар ташкилоти фаолияти, 2) махалла, турар жойдаги ибратли

ишлар, 3) ташвишлантираётган муаммолар хақида мақола ёки лавха.

Мухарриятимизга болалардан "Еш мухбирлар сиртки мактаби"га аъзо бўлиш истаги билдирилган мактублар келиб турибда. Биз қуйида танловга келган мактублардан айримлари билан сизларни таништирмокчимиз. Айни вактда хали мактуб ёзишга улгурмаган, бизнинг ёш ижодкорлар мактабига аъзо булишни истаганларни тез куплар ичида бизга ўзлари хакида маълумотлар ва хатхабар, мақолаларини юборишеа чорлаймиз. Келажакда журналист булишии кунгилга тугганлар учун бу яхиш имконият!

### Синфхонамиз ўз уйимиз

Биринчи қўнгироқ чалинган куни озода, янги таъмирланган синфхонага қадам қуйган эдик. Хали буеқ хиди келиб турган шинам синфимизда ўкишни бошлаб юбордик.Иил синфимиз, мактабимиз давомида ўкувчилари ўз билим масканларини озода, яхши сақланишига харакат қилишди. Шундай булса-да уқув йили якунланиш арафасида мактабимизни янги ўкув йилига тайёрлаш ишларини бошлаб юбордик. Юкори синф ўкувчилари мехнат таълими дарслари муаллимлари билан биргаликда дарслардан буш вактларда керак жойларни таъмирлашмокда.

Мактабимизнинг ўз хомийлари бор. Р. Миртожиев, Б. Боратов, Р. Насриддинов шулар жумласидандир. Уларнинг хар бири мактаб таъмири учун 100 000 сумдан, Эркабоев 50 000 сум пул ажратишди. Бугунги кунда ушбу маблағ ҳисобидан мактаб учун янги анжомлар, таъмирлаш учун керакли буёклар сотиб олинмокда. Биз ёшлар учун ғамхурлик қилган хомийларимиздан миннатдормиз.

Д. ТУРСУНОВА, Фар ғона вилояти, Ўзбекистон туманидаги 4-мактаб ўқувчиси.




### Қушлар бизнинг дустимиз

Табиатни асраш, ер, сув, хавонинг мусаффолиги учун курашиш мактабимиз болалар ва ўсмирлар ўз олдига уюшмаси қуйган вазифалардан бири. Шунинг учун хам унинг аъзолари бу мавзуда турли кеча ва тадбирлар, табиат шайдолари кукрик-танловлари ўтказиб турадилар, жониворларни асраш, купайтириш, боғ-роғлар яратиш ишларида фаол иштирок этадилар.

Якинда болалар ва ўсмирлар уюшмаси аъзоларининг ташаббуси билан ўтказилган "Кушлар бизнинг дустимиз" фикримиз кечаси далилидир. Кушлар олами шайдоларининг чинакам байрамига айланган ушбу тадбирда 3-синф ўкувчилари фаол иштирок этдилар. Улар қушлар ҳаётига оид барча билимларини йигилганларга Уларни курсатдилар. асраш, купайтириш, бокиш тажрибаларидан мактабдошларига сузлаб беришди. Хатто, тадбирда янграган қушиқ ва шеърлар хам кушларга аталди. Энг қизиғи, байрамда иштирок этган болаларнинг ўз уйларида боқаётган қушлар кургазмаси ҳам булиб утди.

> **Халима ЙУЛДОШЕВА**, Жиззах вилояти, Жиззах туманидаги 6-мактаб ўқувчиси.



олимпиада, ички Лицейдаги орасида ўкувчилари вилоят голиб ўтказилган олимпиадада чикканлигим бу синовга мен учун кенг йўл очиб берди. Уч турдаги: назарий синовлари, TecT экспериментал масалалар буйича ўтказилган масалалар мусобақалардан сўнг голиблар эълон қилинди. Иккинчи ўринни эшитганимда олганимлигимни жуда ҳаяжонландим. Бу ҳаяжон факат голиблик сурури эмасди. Бу

A STATE OF THE PARTY OF THE PAR

булган ишонч ва узим

ўкувчи ватанимизнинг эртанги қизиққан фанларни эгаллаш сари кун эгалари. Уларнинг яхши туйғуси билан иккиланиш хисси ташланган қадам эди. Бугун яхши таълим олишларию, турли хунар

Иқтидор

# RATAU SURVIULUA DI SUR DIVINI WATAR

ўкиётган, кучли билим олиб, эртага она юрт учун хизмат қиламан, деб ният қилган ёшларга булган эътибордан энтикиш эди...

Мен ўша пайтдаги холатимни Тошкентга кейинрок Узбекистон Ешлар Иттифокининг XXVI курултойига келганимда хам тенгдошларимга гапириб бердим. Туманимиз ёшлари мени ушбу билан қурултойга делегат килиб сайлаштанида мен уларга айтадиган фикрларимни ўйлаб Биз курултойдан қуйгандим. кейин улар билан йигилишганда шу фикрларни ўртага ташладим.

Мен каби хозирги кунда парта ортида ўтириб таълим олаётган

ўрганиб, ўз дунёқарашларини бойитишлари учун кенг йул очиб берилди. Болалар ижод уйлари, ўкувчилар саройлари, техника уйлари улар учун хизмат қилмоқда. Шундай экан, биз эртанги кунимиз порлок булиши, Ватанимиз янада равнак топиши учун бугун ана шу ижод уйларида чукур билим олиб, хунар ўрганишимиз зарур. Ватан биздан шуни кутади...

Делегат тенгдошларим менинг фикрларимга қушилишди.

Сухбатни М. САЙРАМОВ ёзиб олган. Наманган вилояти, Чорток тумани.



Қалбида ўз-узига басма-бас TYFEH урди. Устозлар ўгити, дўстлар кумаги, шогирдлар **ИРНОШИ** Мамарайим акага далда бўлди.

> "ТАЛАБЧАН МУРАББИЙ"

> > 2-БЕТ



Уp-pel Ойи, дада! Вали! Тангаларим купайиб қолибди! Фаришталар танга ташлаб кетишибди! дея кичкириб юборди.

"КИЗИКЧИ ВАЛИ" 4-**BET** 

Али Кушчининг тўлик исм-шарифи Аловиддин Али ибн Мирзо Мулло Мухаммад бўлиб, 1404-1474 йилларда яшаган. У Самарқандда таваллуд топган, келиб чикиши темурийзодалардан булган, ўша ерда улғайиб Мирзо Улуғбек рахбарлигида илм дунёсида пешкадам сиймолардан бўлиб камол топган.

> "ЗАМОНАСИНИНГ ПТОЛОМЕЙИ"

> > 3-**BET**



#### ҚОДИРИЙНИНГ Ў ҒЛИНИ КЎРДИК

"Утган кунлар" Кодирийнинг романини купларингиз укигансиз, албатта. Бу асар асосидаги кинофильмни эса севиб томоша килгансиз. Езувчи ўзининг киска умри давомида яратган хамма асарларида китобхонга ана шундай завк беради.

Мактабимиз ўкувчилари ўз хурматларини ёзувчи таваллудининг 100 йиллигига багишлаб ўтказилган кечада намойиш этишди. Кечада Абдулла Кодирийнинг фарзанди Маъсуд ота Абдуллаев, мактабнинг ўкитувчилари, собик махалла оксоколлари иштирок этишди.

Мактабнинг 11-синф ўкувчилари • ёзувчи

аввал

ишга

мехр

билан

маданий-

туманидаги

ихлосмандларини

ундан уч йил

Чунки Тошкент

жамоа

санъат

тўнлаб,

Сирдарё

келганида

Журабек ака Амир Темур.

санъатга

хўжалигига

қуйган ёшлар жуда қувонишди.

окартув техникумини тамомлаб

келган Журабек ака тез орада

улар

машғулотлар ўтказа бошлади.

марказлашган Маданият уйига

қарашли 4-қишлоқ маданият

уйида 24-мактабнинг 25 нафар

рахбарлигида турли қушиқ ва

рақсларни ўргана бошладилар.

санъаткорлари унинг

асарларининг энг ёркин қахрамонлари либосида сахнага чикишиб, асарлардан парчалар ижро этишди. Куй, қушиқлар янгради.

Шундан сўнг Маъсуд ака ўкувчиларнинг Абдулла Қодирий ҳаёти ва ижодига оид саволларига жавоб бердилар. Ушбу савол-жавоблар ўкувчиларнинг ўз севган ёзувчилари билан янада якинрок танишишига имкон берди. Болалар адабий кеча ташаббускори адабиёт ўкитувчиси Шоиста опа Иброхимовага миннатдорчилик билдиришди.

> Наргиза ТУРАЕВА, Тошкент шахридаги 118-мактаб ўкувчиси.

— Якинда биз, — дейди маданият уйи директори Журабек ака Тухтаев, — фалакиёт билимдони, оламининг зукко "Улугбек бобокалон Мирзо 600 йиллигига таваллудининг багишлаб курикутказилган танловда иштирок этдик. Унда бир жамоамизнинг қанча нуфузли . ўринларни аъзолари эгаллашга муваффақ булдилар. Хаваскор. ёш санъакорларимиз тез-тез шийпонлари, -дала фермаларга бориб, ота-

кўнгилли оналарининг чиқаришларига кумаклашадилар.

Санъаткор жамоа орасида ёшлар талайгина. истеъдодли Муножот Хуррамова, Комил Низомиддинов, Равшан Хужамов, Шухрат Очилов каби болалар "Муаллим", ижросидаги "Онажоним", "Дарсда "5" олган пайтлар" каби бир қатор қушиқлар хаммага манзур булмокда.

> Абдулла ТУРДИЕВ, Сирдарё вилояти.



Гулчехра опанинг икки нафар фарзанди бор: Жавлон ва Жавохир. Худди эгизаклардек улғайишяпти. Бўй-бастда хам, зукколигу қизиқувчанликда ҳам бир-бирларидан қолишмайдилар. Онасини "Нега?" "Нима учун?" каби саволларга кумиб ташлашади. Эртак тинглаш жону диллари. Шунинг учун хам Гулчехра опа юмушлари харчанд мўл бўлмасин фарзандларига эртак ўқиб бериш учун албатта фурсат топади...

Суратда: — Яхшилаб жойлашиб олдик, ўқишни бошлайверинг!

> Р. АЛЬБЕКОВ туширган сурат-лавха.



Саломов, Гайрат арафасида бу икки синф ўкувчиларига Жураев, Исмат Рахимовлар 30 килограмм шакар совга қилди. келишмокда. хам хизмат уйига **Гайратжон** 

ташкилотига рахбарлик килиб Исмат Рахимов келаётган хам келажагимиз эгалари бўлмиш мурувватли инсонлардан биридир. У хам ўзи сабок олган Ибн Сино номли мактабнинг 1-синф кичкинтойларини оталикка олган. Синфни таъмирлаш кумаклашади, ишларига аълочи

тумандаги Ибн Сино номли мактабда. Оилавий шароити оғирроқ булган икки таълим олишган. Хозирги кунда улар нафар ўкувчига кийим-бош, зарур фарзандларимиз учун қайғурадиган булган укув куроллари совга килишни халқ хизматида, турли сохаларда -килиб мехнат Хадемай қилган. Рустамжон маиший мактабларда таъмирлаш ишлари рахбарлик бошланиб кетади. Рустамжон бу йил килади, хам таъмирлаш ишлари учун мактабга механизациялаштан кучма

# Собик, ўкувчилар химмати

колоннанинг бошлиги, Исматжон эса курилиш ташкилоти рахбари. Гарчанд мактабни тамомлашганига анча йиллар бўлган бўлсада, қадрдон даргохларида тез-тез бўлиб туришади. Улар ўзлари ўкиган мактабни оталикка олишган.

Рустам Саломов ўтган йили мактабни таъмирлаш ишларига кумаклашди. Бу йил мактабнинг 5"Г" 6"Г" синфларини оталиққа олди. Яхши ўкийдиган 4 нафар ўкувчига ойига 250 сўмдан, аълочи 1000 ўкувчиларга сумдан стипендия бериб боряпти. Байрам

300 килограмм буек олиб берди.

Хайрли, эзгу ишларнинг қаноти булади, деганларидек, туманда Рустам Саломов ишининг давомчилари хам купайиб бормокда. Улардан яна бири **Гайрат** Жураевдир. Бу йил уз мучал ешларини нишонлайдиган мактабиинг ⇒27 нафар ўкувчисига тўкин дастурхон безатиб, байрам тантанаси уюштириб берди. Тугилган кунлари нишонланаёттан болаларга эсдалик совга-саломлари улашиш учун эса 500 минг сум микдорида пул ажратди.

Куп йиллардан бери ахолига кўрсатадиган хизмат курилиш

ўкувчиларни рагбатлантириш учун хар ойда 150 сўм микдорида стипендиялар бериб боради.

Эртанги кунимиз эгалари булмиш ешдарнинг таълим-тарбиясига жиддий қайғураётган, ғамхурлик қилаётган бундай мурувватли инсонларнинг қилаёттан меҳнатлари келажақда ўз самарасини беражагига ишончлари комилдир.

> Сочок ЭГАМОВ, Навоий вилояти, Кизилтепа туманидаги "Узбекистон" жамоа хужалиги.

Устозлар хакида хикоялар

Мамарайим аканинг зарвараклари у даражада катта эмас, бор-йўғи 34 бахорни қамраб олади. Шу фурсат ичида шогирдлари хамда касбдошларининг самимий мехрини, юксак ишончини қозона олди. У кишини яна "талабчан устоз" деб хам аташади. Бунинг боиси бор албатта.

Мамарайим ака илк бор иш Самарқанд фаолиятини вилояти, Қушработ туманидаги

ўкитувчиликка қайтди. Тумандаги 82-мактабда болаларга сабок бера бошлади. Узининг мехнатсеварлиги, фаоллиги билан мактаб тез орада ўқитувчилар жамоаси мактаб хурматини қозонди, директори лавозимига тайинланди.

"Хар холда катта даргох. Рахбарлик қўлимдан **КИЛИШ** келармикан" дея иккиланган онлари хам бўлди. Қалбида ўзўзига ишонч туй уси билан ик-

# ТАЛАБЧАН МУРАББИИ



48-мактабда болаларга инглиз тилидан сабок бериш билан бошлади. Утилажак ҳар бир астойдил дарсига **хозирлик** фанини болаларга кўради, иложи борича содда, равон тилда, ҳаётий мисоллар билан тушунтиришга интилади; тушунтиролмаса, қайта-қайта такрорлашдан чарчамайди. Узига хам, шогирдларига нисбатан хам ўта талабчан мураббий. Болаларга чет тилидан сабок бериш билан чегараланмай, қўшимча маш улотлар ташкил қилиб, миллий урф-одатларимиз, ўзбекона анъаналаримиз хакида ҳам қизиқарли суҳбатлар уюш-Изланувчанлиги, тиради. харакатчанлиги ва талабчанлиги билан купчиликка намуна булган Мамарайим ака Қушработ давлат хўжалиги ёшларига вақти келиб етакчилик ҳам қилди. 1986 йилда эса яна ўз севимли касби,

киланиш хисси басма-бас туғён урди. Устозлар ўгити, дўстлар кўмаги, шогирдлар ишончи Мамарайим акага далда бўлди. **Хозирги кунда хам 800 нафарга** якин ўкувчи таълим олаётган Низомий Ганжавий номидаги мактабга рахбарлик қилиб, таълим-тарбия ишларини янада жонлантириш, методика талаби ишларини замон даражасига кўтариш, мактабнинг моддий-техника базасини мустахкамлаш, ёш ўкитувчиларга ўз иш тажрибаларини ўргатиш борасида тинмай мехнат қилиб келмокда.

Ешлар, демакки, келажагимиз эгалари бўлмиш фарзандтаълим-тарбиясига ларимиз хисси билан ёниб масъуллик яшаётган бундай инсонлар борлигига шукроналар айтасан,

Кувондик СИДДИКОВ.

#### Cnopmo cnopmo cnopmo

# Хамкишлогимиз хотирасига багишлаб

излар тахсил олаётган мактаб хамкишлогимиз Рустам Миртожиев номи билан аталади. Яқинда ана шу инсон хотирасига бағишланган футбол мусобақаси булиб утди. Унинг очилиш маросимида мактабимиз директори суз олиб, бундай кечаларни ўтказишдан мақсад, ўтганлар рухини шод этиш, уларга муносиб ворислар тайёрлаш, ёшларни жисмоний соглом ва бакувват қилиб тарбиялаш эканлиги ҳақида гапирди. Мусобақа ҳомийси Расулжон ака Миртожиев эса мусобақа шартлари, ғолиблар учун ажратилган мукофотлар хакида тухталиб, унинг иштирокчиларига муваффакиятлар тилади.

Синфлараро ўтказилган беллашувлар якунларига кўра голиблар финалга йулланмалар олдилар. Финал уйинлари буладиган куни мактабимизнинг унчалик катта булмаган уйингохи футбол ишкибозлари билан гавжум булди. Уйинлар бошланди. Майдонда 9-, хамда 11-синфларнинг футбол гурухлари туп суришди. 9-синф ўкувчилари гарчанд ёш жихатдан кичик бўлсалар-да, махорат жихатдан устун эканликларини намойиш этдилар. Мусобақа якунида ғолибликни қулга киритиб, Фахрий ёрлиқ ҳамда 10 минг сум микдорида пул мукофоти билан такдирландилар.

Келгусида бундай учрашувларни тез-тез ўтказиб туришга хам ахдлашиб олдик.

> Дилором ТУРСУНОВА, Фаргона вилояти, Узбекистон туманидаги 4-мактаб.



**—** Дада, "ох" обберинг Р. АЛЬБЕКОВ туширган сурат — Хабибулла ака, яқинда Тошкентдаги физикаматематика лицейида ўқувчилардан бобокалонимиз буюк фалакшунос олим Али Қушчи ҳақида нималарни биласизлар, деб сўраганимда билдимки, улар Али Қушчи Мирзо Улуғбекнинг шогирди эканлигидан бўлак бирор бир маълумотга эга эмас эканлар. Сиз Али Қушчи ҳақида изланишлар олиб бораяпсиз. Шу зот ҳақида маълумот берсангиз.

- Маълумки, фалакиёт илми куп қадим замонларга бориб тақалади. Урта Осие, хусусан Моварауннахр шу илм-фаннинг гуркираган асосий ўчокларидан бўлган. Қадимдаёқ заковат эгалари одамнинг дунёга келган кунида сайераларнинг қай ҳолатда турганини кўрсатувчи ва унинг тақдирини адашмай аниқ айтиб берувчи жадваллар (эскича зойижа, бизнингча гороскоп) тузганлар. Бутун мавжудот олами сирларидан вокиф юлдузлар харакатини илмий асосда кузатганлар. Уларга қараб зарур тадбирларни кўрганлар, олис юртларга сафар масаласида хам қулай фурсатларни ј белгиланганлар. Қуёш тутилиши, ер силкинишлари ёхуд бошка табиий офатлар руй беришини аниқлаш ҳам айнан шулар жумласига кирган. Мазкур илмфанга қизиқиш ғоят кучли булган. У мухим ахамият касб этувчи фан сифатида тараққий этганлигини Ал-Хоразмий, Ахмад Фаргоний, Ал-Берунийларнинг ўлмас ишларидан ҳам кўриш мумкин. Бу фан Мирзо Улугбек (Мухаммад Тарагой) ва Аловиддин Али Қушчиларнинг даврига келиб, ўзининг бутун кўриниши билан намоён бўлган эди.

Али Қушчи ана шу ишларнинг энг жонкуяр ва фаолларидан бири булиб майдонга чиқди.

Али Қушчининг тўлик исмшарифи Аловиддин Али ибн Мирзо Мулло Муҳаммад бўлиб, 1404 — 1474 йилларда яшаган. У Самарқандда лаваллуд топган, келиб чикиши темурийзодалардан булган, уша ерда улгайиб, Мирзо Улуғбек раҳбарлигида илм дунёсида пешқадам сиймолардан бўлиб камол топган. Уша даврда Самарқанд илмфан марказига айланган эди. Унда Қозизода Румий, Гиесиддин Жамшид, Муиниддин Кошоний, Мухаммад Кермоний, Мухаммад Хавофий каби зиёкорлар дунёвий фанларнинг ривожи йўлида тер тўкканлар. Шу тариқа Самарқандда илм-фаннинг барча сохалари бўйича йирик мутахассислар жамулжам булган. Улугбек бошчилигида илми нужум фалакшунослик ўчоги майдонга келган. Аловиддин Али Қушчи ана тарбияланган. шу мухитда Улугбекдан кейин кора сурункали гуруҳларнинг тазйикларига қарамай, дуне олимлари тан олган фалакиет илмининг алломасига айланган.

Унинг "Кушчи" деб аталишига келсак, бу нисбат олимга отасидан ўтган. Отаси Мирзо Мулло Мухаммад кўп заковатли киши булиб, узок йиллар Амир Темурнинг кенжа ўгли Мирзо Шохрух саройида энг эътиборли шахслардан бири сифатида умр кечирган. Шохрухнинг шикор ишларига бошчилик қилган. Ов қушлари — қарчиғайлар боқиш билан машгул булганлигидан "Кушчи" деб ном олган. Али Кушчи хам дастлабки вактларда Улугбек саройида отасининг ишини давом эттирганидан "Кушчи" деб аталибкетган булиши керак.

Бу улуг аллома ҳақида етарли изланишлар юргизилмаганлигидан унинг ҳаєти, илмий фаолияти ҳақида ҳанузгача маълумотлар жуда оз.

Али Қушчи Улугбекдан анча еш бўлишига қарамай ўзининг ҳайратомуз ўткир ақл-заковати, кучли хотираси, бир сўзлилиги билан Улугбекнинг эътиборига, ишонч ва мехрига сазовор бўлган. Бора-бора бу яқинлик Али Қушчини бевосита Мирзо Улугбекнинг энг яқин, ишончли кишисига — сирдоши, дўсти ва маслакдошига айлантирди. Али Қушчи Улугбекка

ҳадди сиққанидан уни Мавлоно Шайхурраис деб атарди. Бу сўз Улугбекнинг олимларга йўлбошчи эканлигини ҳам англаттан.

Али Қушчи туғма истеъдод ва салохияти туфайли замонасининг Птоломейи деб ном қозонган, тарих, жугрофия, фалакшунослик ва бошқа бир қатор аниқ фанларда ажойиб илмий ишлар олиб борди. Самарқандда расадхона ва машхур "Зижи жадиди кўрагоний "ни тузишда ўзининг улкан хиссасини қўшган. Фалакиётнинг назарий асослари ёритилган ҳамда 1019 юлдузнинг холати, яъни осмон кенгликларидаги фаразий доираларнинг ер куррасига қиялиги, йиллик харакат ривожланиши аникланган бу ажойиб асар фалакиётнинг кейинги камолотида хам ижобий рол ўйнаган. "Зижи жадиди кўрагоний" хозир хам ўзининг ахамиятини йўкотмаган.

Мавлоно Шайхурраис ўлими (1449 йил) дан кейин расадхонада илмий кузатиш ишлари деярли бархам топган. Бунинг сабаби,

# Али Кушчи таваллудининг 590 йиллигига

Қушчи Оқ қуюнлилар билан Туркия ўртасида ўзаро муносабатларни яхшилаш, дўстлик битимларини тузиш учун бош элчи этиб юборилади. Олим ўзини бу масъул ишда ҳам зўр дипломат эканини курсатди. Туркия султони Мухаммад Фотих (1451 - 1 1482) Али Қушчининг ўткир фикрли, бағоят ақл-заковатли киши эканлигини, зўр илму камолини кўриб, уни ўз саройига хизматга таклиф этади. У бу таклифни мамнуният билан қабул қилиб, Узун Хасандан ижозат олиб Мухаммад Фотих саройига қайтиб келишга ваъда беради. 1472 йили Али Қушчи Истамбулга келади ва умрининг охиригача шу ерда қолади. Унга ойига 200 динор микдорида маошбелгиланади. Агар ўша замонларда битта яхши от беш динордан ошмаслигини назарга олсак, Али Қушчига тайинланган маошнинг оз | бўлмаганлигини идрок этса бўлади. У Сўфия жомеъи масжиди



# Тарихчи, ёзувчи Ҳабибулла ЗАЙНИДДИН билан суҳбат

сўзсиз, Улугбекнинг қатли билан боғлиқдир. Олимлар таъқиб остига олинади. Али Кушчи хам бу таъкиблардан четда колмайди, албатта. Шундай бўлса-да, у ўз устози ва қалин дустига содиқ булиб колди. Осмон сирларини билиш учун ҳеч қандай асбоб-ускуналар бўлмаса хам у Улугбек мадрасасининг коронги бир бурчагида илмий ишларини, кузатишларини давом эттирди, атрофига шогирдлар тўплади. Шу зайлда Али Қушчи яна йигирма йилга якин Самаркандда яшаб, талай асарлар ёзди. 1470 йил бошларига келиб нотинчлик янада кучайди. Али Қушчининг тинкаси қуриди, ўз ватанини тарк айлаб, ўзга юртларга бош олиб кетишга мажбур бўлди. Бахона Хажга бориш

- Хабибулла ака, Одил Ёқубовнинг "Улуғбек хазинаси" асарида қам Али Қушчи юртни ташлаб кетишга мажбур бўлгани ёзилган. Али Қушчининг кейинги ҳаёти ҳақида сўзлаб берсангиз.

- Али Қушчи Самарқанддан чикиб кетгандан кейинги хаети хакида маълумотлар куп эмас. У ўзининг якин кишилари, кариндошлари хамрохлигида пойтахти Хирот бўлган Шаркий Хуросондан ўтиб Табризга бормокчи бўлади. Бирок Хиротга боргач, сафарии давом эттиришда кийинчиликларга дуч келади. Мушкилотларни хал этишда Али Кушчи Абдурахмон Жомийнинг улкан эътиборига суянган. Жомий хазратлари Хусайн Бойқаронинг вазири аъзами Алишер Навоийга Али Кушчига ёрдам кўрсатишни илтимос килиб мактуб битган. Али Қушчи бу икки улуг сиймо кумагида сафарини давом эттириб, Табризга Бу келди. етиб ерда туркманларнинг Оқ қуюнлилар сулоласидан бўлган подшох Узун Хасан хузурига етиб келган. Тарихий манбаларнинг шохидлик келтиришича, шахсан Узун Хасаннинг ўзи эътиборли одамлари, вазирлари билан бир кунлик йўлга чикиб, Али Кушчи ва унинг якинларини зўр хурмат ва тантана билан кутиб олган.

Али Қушчи Узун Ҳасан давлатида икки йилга яқин қолиб, йирик лавозимда ишлаган. 1472 йилда Туркия масаласи чиқиб, Али

мадрасасига бош мударрис этиб тайинланган. Али Қушчи Истамбулда яна икки йилча истикомат этиб, 1474 йили 71 ешида дорул фонийдан дорул боқийга рихлат этган. Замонининг улуг захматкаш алломаси бўлмиш і Али Қушчи Туркия давлатининг султони шахсан Мухаммад Фотихнинг ўзи хамда давлат арконлари ва хурмат билдирган сонсиз фукаролар иштирокида охирги манзилга мусулмонларнинг муқаддас зиератгохи бўлмиш Або Айюб Ансорий номидаги қабристонга дафн этилган.

- Али Қушчининг қаёт йўли билан бир қадар танишдик. Унинг илм фанга қўшган ҳиссаси беқиёс. Али Қушчи асарларининг мағзини чақиш осон иш эмас, албатта, лекин ҳеч бўлмаса Али Қушчи асарларининг номлари ва уларда қандай фикрлар илгари сурилгани ҳақида ҳам тўхталиб ўтсангиз.

- Алломанинг қаламига мансуб асарлардан "Рисолату фи халли ашколул қамар" ("Ойнинг шакллари хакидаги рисола") да аллома ойнинг шакли ва куринишини батафсил еритган, ейсимон шаклларни геометрик усулда исботлаш билан биргаликда ойнинг тузилиши ҳақида хали Али Кушчига қадар хеч бир олим еча олмаган масалаларни у Улугбек хаёт вактидаёк хал этиб берган эди. "Рисолаи дар илми хайъат" ("Фалакиет илми хакида рисола") асари мукаддима ва уч булимдан в иборат бўлиб, муқаддимада геометрия ва табиетта оид масалалар хусусида сўз боради. Асарнинг олти бобдан иборат иккинчи кисмида Осмоннинг адади ва умумий кайфияти, Куеш ва унинг буржлари, осмоннинг тузилиши, ундаги жисмларнинг харакати, куеш, ой, Уторуд (Меркурий), Зухра (Венера), Миррих (Mapc), Муштарий (Юпитер), Зухал (Сатурн) ва бошка сайералар, юлдузлар хакидаги маълумотлар батафсил талкин этилади. Мазкур асарнинг иккинчи бобида дуне харитаси чизилган бўлиб, бу харита 1457 йилгача ва ундан кейин пайдо бўлган дунё хариталари ичида ўзининг мукаммаллиги билан алохида ажралиб туради. "Рисолаи Фатхия" ("Фотих рисоласи") араб тилида езилган. Янада тўгрироги Туркия султони Мухаммад Фотихнинг 1472 йили Ок қуюнлилар билан қилган муҳорабаси ва нусрати (зафари) фалакиет илмига боғлаб қизиқарли ҳикоя этилади. Ун олтинчи аср бошларида ушбу асарга машҳур олим Қозизода Румийнинг набираси Мирам Чалабий шарҳ ёзган.

Форс тилида ёзилган "Рисолаи ! Мухаммадия" ("Мухаммад Фотих рисоласи") икки кисм ва олти бобдан бўлиб, иборат хиндларнинг математикаси ва фалакиёт илмига бағишланган. Уни Али Қушчининг ўзи араб тилига таржима этган. Мазкур асар Самарқандда ёзилган бўлиб, унинг бир нусхасини муаллиф Туркияга борганда Мухаммад Фотихга такдим этган. Хозир мазкур асарнинг қулёзма нусхаси Шарқшунослик Тошкентдаги институтида сақланмоқда. "Тарихи хокони Чин" ("Чин хоконларининг тарихи") йигирма бобдан иборат бўлиб, "Конунномаи Чин ва Хито" деб хам аталади. Унда XY асрда темурийлар империясининг Хиндистон, Арабистон ва Хитой давлатлари билан ижтимоий, иктисодий 'маданий хамда муносабатларини кенгайтириш ва мустахкамлаш йўлида олиб борилган кенг кўламдаги хайрли, ижобий харакатлар, шунингдек Али Қушчининг 1419 - 1422 йиллари Гиесиддин Наққош бошчилигида Хитойга қилган сафарда қатнаштанлиги ва бу саехатдаги кўрган-кечирганлари, босиб ўтилган мамлакатлар, халқларнинг турмуш тарзи, тарихи, жугрофий жойланиши ва бошқалар ҳақида қизиқарли ҳикоя қилинади.

Илмларнийг турлари ҳақидаги ва тарихшуносликка оид "Рисолату фи мавзуот ул-улум" асари ҳам диққатга сазовордир. "Маҳбубул ҳамойил фи кашф ул-масойил" ("Масалаларни ечадиган севимли қуйин дафтари") ҳам улкан ижодий илмий иш маҳсули булиб, унда йигирма хил фанлар борасида фикр юритилади.

Али Қушчи, шунингдек, кўпгина забардаст олимларнинг дунёвий фанларга оид асарларига шархлар хам езган.

Бошқа етук олимларнинг астраномия, — яъни, фалакиётга, риёзиёт, хандаса, табиёт ва Шарқ тилларига оид йирик асарларига Али Қушчининг ёзган шарҳлари ҳам унинг илмий фаолиятда улкан ўрин эгаллашлигини кўрсатади.

— Али Кушчининг авлодлари хақида нима дея олсиз? Бу хақда маълумотлар борми?

— Али Қушчи авлодларига келсак, унинг хонадонидан кўпгина эътиборли илм-фан пешқадамлари етишиб чиққан. Шулардан бири унинг набираси, давлат арбоби, машҳур тадқиқотчи сайеҳ ва олим Мирзо Камолиддин ибн Мирзо Султон Муҳаммад Ҳофиз Кўҳокий (Куйкий) Тошкандийдир (1490 — 1584). Насиб этса, бу сиймо ҳақида ҳам ҳадрли ўқувчиларни ҳабардор ҳилишга ҳаракат ҳилармиз.

Юқорида қайд этиб ўтганимиздек, замонасининг зайли, силсилалари туфайли ўз ватанидан олисларда мангу қўним топишга мажбур бўлган туркий халқларинг улуг сиймоларидан бири бўлмиш алломай замон Али Қушчи ўзининг хар томонлама юксак илмий фаолиятини ўз элу-юрти — Турон давлатининг маданий меросини бойитишга сарф этганлиги бешакдир.

Зеро, бул улуг аждодимизнинг муборак номи ханузгача жиддийрок ўз эътиборий топмай келмокда. Эхтимол, бундан буён унинг илмий меросларига кизикиш ортар, азиз номлари абадийлаштирилар ва хамиша навкирон авлодлар калбида унинг поёнсиз илму камолидек то абад сўнмас ёркин юл-дуздек нур сочиб турар, деб умид киламиз!

— Хабибулла ака, сухбатимиз хам охирлаб бормоқда. Бугун сиз сабаб Али Кушчидай улуғ бобоколонимиз билан бир лахзагина юзма-юз келдик. У кишининг хаёт йўллари ва ёзган китобларинине помигагина назар ташлай олдик холос. Зеро, бу зохирий учрашув бўлди. Яъни, биз денгизнинг юзасига назар сола олдик. Унинг остида нима борлигини билиш ва бу хазинадан бутун элу юртни бохабар этиш илм ғаввосларининг бўлажак ишидир. Сизга эса бизни шундай улуғ зот билан учрашиш бахтига муяссар этганингиз учун миннатдорчилик билдирамиз.

> Хошимжон МИРЗААХМЕДОВ сухбатлашди.

Ун икки ёшли Вали қизиқчиларга хавас қилиб юрарди. Баъзан қизиқкизик гапларни эшитиб келиб, уйидагиларнинг ичакларини узиб кулдирар эди.

 — Ғанивой, — деди бир кун у укасига, — дадам берган пулларни курсатиб, мақтанаверма. Мана қара, менинг канча пулим бор. Дадам иккаламизга хам йигирма тийиндан пул беради. Сеники хечам купаймайди, меники эса хар куни купайиб қолаяпти...

булармиди, — дея жавоб қилди Вали кеккайиб, — дадам берган тангаларни хар куни шу ерга кумиб қуяман. Кечаси фаришталар келиб танга ташлаб кетади... курибсанки, улар купайяпти. Сен хам тангаларингни кумиб қуйсанг, ҳар куни купаяверади...

дея Гани шодланиб бошка бир гул тагини кавлаб тангаларни яширди-да, устига япрокларни тортиб куйди.

Унинг қувончлари чексиз эди...

# KUBUKUU BANH **хажвия**

— Вой! — деб юборди Гани чиндан хам акасининг кафтидаги тангаларни куриб, — дадам хар куни иккаламизга йигирма тийиндан пул берса, нима учун сеники купайиб кетаяпти? Айта **КОЛ...** 

- Айтмайман, айтсам бошка ·болаларга ҳам етказасан, — деб туриб олди Вали лабларини чуччайтириб, буни хеч ким билмаслиги керак... билса, пулларим купаймай қолади...

— Қасам ич десанг, қасам ичаман, лекин хеч кимга айтмайман, — дея тикилинч кила бошлади Ғани.

— Яхши, яхши, айтаман, сирни ичингда саклашта суз берасан-а?

 Суз бераман. Вали укаси Ғанини ҳовлининг четига, гуллар ўсган ерга бошлаб борди. Чуккалаб бир гулнинг тагини кавлади. Кавлаган еридан куп тангалар чикди. Ғанининг кузлари катта очилиб, мирикиб тангаларни кузатди.

— Хаммаси ўзингникими? — дея хайратланиб сўради кейин.

— Узимники булмай, сеники

— Қандай яхши, қандай яхши! —

У эртаси куни ховликиб туриб,

дархол гул тагига югурди. Япрокларни суриб, тангаларни кузатди. Чиндан хам тангалари купайиб қолганди.

Кувончини яширолмай: — Ур-ра! Ойи, дада! Вали! Тангаларим купайиб қолибди! Фаришталар танга ташлаб кетишибди! дея кичкириб юборди.
Эртага музкаймок сотиб олиб, хаммангизни мехмон қиламан.

**Гани** уч кунгача тангаларни кузатди. Тангалар кундан кунга купайиб бораётганди. У ичига сиғмай қувонарди...

Орадан уч кун ўтгач, Вали кўчага чикиб, бир коғоз халтани тулдириб музкаймок кутариб келди-да, уйдагиларни мехмон қилди. Ғани ҳам шу куни туйиб музкаймок еди ва узи хам музкаймок олиб келгани пулини яширган ерга югурди. Етиб келиб япрокларни сурди. Қай куз билан курсинки, пуллари йуқ эди. Вали эса ховлида қорнини ушлаб қах-қах отиб куларди...

— Пулим йўк, пулимни кимдир

ўгирлаб куйибди, — дея хикиллай бошлаганди, Вали унинг елкасига қулини босиб:

— Ойим билан дадамни хам сен мехмон килдинг, - дея юпатди, музкаймокларни сенинг пулингга олиб келдим...

— Нимага мени алдадинг? Пулим қандай қилиб купайиб қолаётганди? дея суради Ғани.

— Тентаквой, — дея Вали укасига тушунтирди, - хеч замонда ерга кумилган пул хам купаядими? Мен хар куни ўзимнинг тангаларимни қушиб қуяётгандим... мен қизиқчи булишни машқ қилаяпман... тушундингми?

— Тушундим... — деди **F**ани бурнини тортиб.

— Ху, муттахам қизиқчи, — дея музкаймок еяётганлар Валига қарашди, сўнг Ғанини кузатишди. Ғани эса қизиқчи акасига ҳайрат билан қараб турарди.

Шундай қилиб Вали "қизиқчи" лақабини олди.

Сайдаброл АЪЛОЕВ.

# Антиқа дунё

#### АЖОЙИБ ТЕЛЕФОН

"Найнекс" Американинг алокачилар уюшмаси ўз мижозларига универсал телефон қурилмасини тортик килди.


Курилма сохиби трубкани кутармай туриб унга ким кунгирок қилаётганини экранда куради. Шу билан бирга унчалик катта булмаган таблода қаердан қунғироқ қилинаётган булса, уша телефоннинг номери ёзилади. Бу янгилик натижасида телефон безорилиги ўз-ўзидан йуколяпти.

#### ОНА ОТА ДЕГАНИ

Жахоннинг деярли барча тилларида. "она" сузи бир маънони англатади. Лекин Соломон оролларида яшовчи ахолидан бу сўзни эшитсангиз, онаси хакида гапиряпти, деб ўйламанг, менанезий элатида "она" сузи "ота" маъносини беради.

Одамлар, хей одамлар, Сизга зирак керакми? Еки тилим чиқариб, Битта ўйнаб берайми?

> Р.АЛЬБЕКОВ суратта туширган.



Биласизми?

## "ТЎ**ҒРИ ЖАВОБ**"

— Одамнинг ақли қаерда бўлади? - деб сўради ўкитувчи. Уқувчи пешонасини ушлаб ўйга толди.

— Жуда билағонсан-да, деди ўкитувчи ўкувчига аъло бахо қўя туриб.

# жой берди

— Кекса одамга жой бериб, тўғри иш қилдинг, болам.

— Чунки мен хозир тушаман-да.



#### УХЛАБ ЁТИБМАН

- Афанди, уйғондингизми?
- Ха, энди турмоқчиман.
- Сиздан бироз қарз сўрамокчи эдим.
- Ундай бўлса мен хали уйғонганим йўқ.

**Кир ғиз тилидан Бурхон ШОМИРЗАЕВ таржимаси.** 

# Ош тузининг туққиз хислати

Дарахтларни ҳашоратлардан тозалаш учун эрта бахорда бир челак сувда роппа роса 1 кг (ортикчаси зарар) туз эритилиб дарахтларга пуркалиши керак.

 Агар гилам ёки полосга сиёх тўкилса устига дарров қалин қилиб туз тўкиш керак. У сиёхни шимиб олади ва доғ кетади.

 Лимон сўлимасин десангиз тагига бир қатлам туз сепилган банқада сақланг.

 Нонни сирланган, сопол ёки шиша идишда тагига бир сиқим туз ташлаб сақланса моғор

босмайди.

туз ишқаланади.

• Сутга бир чимдим туз ташланса, анчагача ачимайди.

• Сабзавотни тузли сувда қайнатилса, фойдали моддалари сақланиб қолади.

Ёнаётган ўтин нам бўлса, бир сиқим йирик туз ташланг, ўтин яхши ёнади.

Балиқни жуда шўр сувда ювиб ташланса,

балчиқ хиди кетади. Кўлдан, қозон-товоқдан балиқ хиди келса,



Суюкли сингилчам HAPPRISAXOHI

Сени туғилган кунинг, 7-бахорини умрингнинг қаршилаған қутлуғ айёминг билан самимий муборакбод этаман. **Укишларингга** муваффакиятлар, келгуси хаётингда омадлар тилаб қоламан.

Гулгун чехрангдан табассум аримасин!

Сени чин дилдан қутлаб, аканг Дилшод СУЛТОНОВ. Тошкент шахри, 64-мактаб, ўқувчиси.

Хадемай онламизда қушалоқ байрам: суюкли сингилларимиз Ойниса ва Мухлисаларнинг таваллуд кунлари. Бу йил шуниси билан қадрлики, сингилларимизнинг

мучал йилларини хам нишонлаймиз. Ушбу айёмда уларнинг бир олам қувончларига шерик бўлиб, тани сихатлик, умри бокийлик тилаб коламиз.

Эзгу-ниятлар билдириб: опалари Юлдуз, Мунис, акаси Учкун.

Уроковлар онласи. Шофиркон тумани, Охунбобоев жамоа хужалиги, Қайрағоч қишлоғи.



Бош мухаррир вазифасини бажарувчи: Музаффар ПИРМАТОВ.



Тахрир хайъати: С. БАРНОЕВ, А. БЕРДИМУРОДОВ, Ф. ЖАЛИЛОВА, А. КУЧИМОВ, Ш. СУННАТОВ, Д. ТУРАХМЕТОВА, С. ШУКУРОВА.

Таъсис этувчилар: **УЗБЕКИСТОН ЕШЛАР ИТТИФОКИ МАРКАЗИЙ** ҚУМИТАСИ, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛК ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ Газета 1929 йил, 1 августдан «Ленин учкуни» номи билан чика бошлаган.

Газета хафтанинг чоршанба куни чикади.

Маълумот учун телефон: 33-49-45

Бизнинг манзилгох: 700083. ТОПКЕНТ ШАХРИ, МАТБУОТЧИЛАР КУЧАСИ-32 УЙ Наптр курсаткичи: 64563

"ШАРК" нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.

Газета ІВМ компьютерида терилди ва сахифаланди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Руйхатдан ўтиш тартиби № 000137. Буюртма № Г-952. 5356 нусхада босилди. Хажми —1 босма табок. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А-3. Босишта топшириш вакти 19.00. Босишта топширилди 19.00.